

- **Муносабат**

КУЛФАТЛАРНИНГ ОНАСИ

Янги йилни нишонламоқ мақсадида 1991 йилда туғилган собиқ синфдошлар галма-гал бир-бирларининг яшаш жойларида зиёфат уюштирдилар. Ўтиришларда ичкиликбозлик ҳаддан ошди. Соат 24 га яқинлашганда улар уйларига тарқайдилар.

Аммо тунги соат учда собиқ синфдошлардан бири иккинчисининг хонадонига кириб, уйкудаги “дўсти” ни “Сен ўлишинг керак”, деганча бўға бошлади. Уй эгаси бунга жавобан йигитнинг бошига курси билан бир-неча марта урди. Оқибатда сал илгари қадаҳ уриштириб, бир-бирларига дунё эзгуликларини тилаганлардан бири маҳрумга, бошқаси эса қотилга айланди...

Кечга яқин паррандачилик фермаси ҳудудидаги бинода 28 ва 25 ёшли икки эркак ичкиликбозлик қилишди. Кўп ўтмай улар ўртасида келишмовчилик юз берди. Сўкиш ва ҳақоратдан бошланган даҳанаки жанжал муштлашувга айланди.

Оқибатда улардан бири стол устидаги ароқдан бўшаган шишалар ёнида турган пичоқ билан шеригининг юрагига зарба берди. Кўп ўтмай жабрланувчи шифохонада кўрсатилган муолажаларга қарамасдан вафот этди.

Тафсилотлари баён қилинган икки воқеа ҳам Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида рўй берган. Агарда ароқ аталмиш захар ҳамда у туфайли вужудга келадиган ихтиёрий ақлсизлик бўламаганида бу кўнгилсизликлар қаёқда эди?! Бугун юз бераётган жиноятларнинг аксарига инсонни хушидан айирувчи моддалар, хусусан, ичкилик сабаб эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Яна шу нарса аниқки, ичкиликликнинг зарарини ҳамма яхши билади. Ҳатто, ароқхўр ҳам фарзанди унинг хатоларини такрорлашини истамайди. Бундай хулосага бизни Жиззах вилояти наркология диспансерида кузатганларимиз ундади.

Бу ерда даволанаётганлар бегоналардан юзларини яширишади, нима учун ичишлари ҳақида сўзлашдан тортинадилар. Шунга қарамасдан улар орасида юрагини тўлдириб турган ғамни тўкишга жазм қилгувчилар учраб туради.

— Баъзида фарзандимни соғинганимда ичаман, — дея кўзлари жикқа ёшга тўлган аёл. — Ичкилик ортидан оилам бузилган, ўғлим эримда қолган. Ичган одам ақли-хушини йўқотади, тушкунликка тушиб қолади. Одам нима қилаётганини ўзи билмайди, ўз жонингга қасд қилгинг келади. Ичиб боласига қаттиқ азоб берганларни ҳам кўрганман. Йўқ, бошқа гапира олмайман....

Бошқа суҳбатдошимиз эса давлат идорасида ишлаган. Айтишларича, яхши мутахассис, фақат ичкиликдан ўзини тия олмайди. Диспансерда учинчи марта даволаниши, ўзини идорасизликда айблайди:

— Ичкиликбоз одам бир йўла ҳаммасидан ажралади, ишидан, оиласидан, обрўсидан. Касофатинг нафақат ўзинга, балки оилангга ҳам уради. Фарзандларинг ҳам “ота” дейишдан тортинади. Ҳеч кимга бу балони раво кўрмайман.

Диспансерда даволанаётганлардан бирини суриштираётган аёл ва ёшгина ўғли эътиборимизни тортди. Улар ўзини ўзи беморга айлантирган, аёлига суянч, фарзандига ибрат бўлолмаган отани сўроқлаб келгандилар. Она ва ўғил юзида хижолат зоҳир эди, назаримда.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, 2019 йилда Жиззах вилояти наркология диспансерида ўз хоҳиши билан 1606 киши соғлигини тиклаган. Шунингдек, ҳар ойда ўртача юздан ошиқ бемор суд қарори асосида мажбурий тарзда даволанади. Бу рақамлар ортида не-не муаммолар, қанчадан қанча дарду ғамлар борлигини бир зум кўз олдингизга келтиринг. Айтганча, бу иллатнинг омиллари билан ҳеч қизиқиб кўрганмисиз?

— Инсон психологик зўриқишдан халос бўлиш, реал воқелик, кундалик муаммолар, нохушлик ва қийинчиликлар ҳақида ўйламаслик, кўтаринки кайфият туйғусини ҳис этиш, руҳан енгиллашиш мақсадида ичкиликка ружу кўяди, — дейди Жиззахлик психолог Дилфуза Тўйчиева. — Шунингдек, ичкиликбозликни қўллаб-қувватловчи тўй-маросимлар, атрофдагиларнинг спиртли ичимликлар истеъмолига мураса билан қараши, одамларнинг бўш вақтини тўғри ўтказиш имконини берувчи моддий базанинг сустлиги, алкоғолли маҳсулотларнинг тарғибот қилиниши, бу йўналишдаги савдони чекловчи тўсиқларнинг йўқлиги мазкур иллатга йўл очади.

— Ичкиликбозларнинг фарзандлари қайсидир даражада ичкиликка мойил бўлишади, — дейди Жиззах вилояти наркология диспансери бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Адҳам Ропижонов. — Яна бир омил стресс ва тушкунликдир. Алкоғолли ичимликлар хотира ва ақлий фаоллик сустлашуви, идрок заифлашуви, ҳиссиётлар йўқолишини келтириб чиқаради. Сурункали ичкиликбозлар ўзларини назорат қила олмайдилар. Оқибатда ахлоқсизлик ва жиноятга қўл урадилар. Ошқозонга тушган ароқ маълум вақтдан сўнг сирка кислотасига айланади, ана шу захарни жигар филтрлаши керак. Оқибатда ошқозон яраси, гепатит, жигар циррози, инсульт, инфаркт каби ўнга яқин касалликлар юзага келади. Ичкиликбоз аёлнинг ҳомиласида нуқсонлар пайдо бўлади.

Мутахассислар таъкидига кўра, ичкилик инсоннинг руҳиятини шикастлайди. Сурункали ароқхўрлар характерида жиззакилик ва кўрслик устуворлик қилади. Бу иллат қарамига айланиб қолганлар учун ахлоқ ва қонунийлик чегаралари йўқолади.

Яна шуниси аёнки ҳар бир ичувчининг оиласига, яқинларига мунтазам азият етади. Фарзандлар эса ота меҳрини тўла ҳис қила олишмайди. Аёл турмуш ўртоғидан безор...

— Муқаддас динимиз маст қилувчи воситаларни ҳаром ҳисоблайди ва гуноҳларнинг онаси сифатида тақиқлайди, — дейди Ўзбекистон мусулмонлари идораси Жиззах вилояти вакили вазифасини бажарувчи Абдумутал Отабоев. — Инсонни ақли бошқаради, ичкилик ана шу бошқарувни издан чиқаради. Ичкиликбоз инсонни аёли ҳурмат қилмайди, она иззатламагач, отанинг болалар олдида субути кетади. Оиласида

эъозланманмаганни халқ хурматламайди. Айтадиларки, маст аёл танасига жавоб бера олмайди. Яъниким, ичкилик фаҳш ва бузуқликка етаклайди. Шунингдек, автохалокатлар, турли жиноятлар, маънавий таназзул боиси ичкиликдир. Уни жамият фасодига қиёсласак, тўғри бўлади.

Таъкидлаш керакки, инсоннинг ҳаётини издан чиқарувчи, соғлигини емирувчи ва жиноятчилик омили бўлган ичкиликбозликка қарши мамлакатимизда самарали тадбирлар амалга оширилмоқда. Вояга етмаганларга спиртли ичимликлар сотмаслик, алкоғолли маҳсулотларнинг оммавий ахборот воситаларида тарғиб этилишини чеклаш, бу иллатга қарши кенг жамоатчилик орасида тарғибот уюштириш каби чора-тадбирлар шулар жумласидан. Мазкур жараёнда ички ишлар органлари манфаатдор тизим сифатида фаол қатнашмоқда.

— 2019 йилда вилоятимизда рўй берган жиноятларнинг 60 таси спиртли ичимликларга ружу қўйганлар ва маст фуқаролар томонидан содир этилган, — дейди Жиззах вилояти ИИБ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, подполковник Мирзабек Рўзикулов. — Жумладан, юз берган 14 та қасддан одам ўлдириш ёки суиқасд қилиш жиноятларининг 9 таси маст фуқаролар томонидан содир этилган. Шу маънода, ички ишлар органлари ичкиликбозликка қарши тезкор-профилактик тадбирларни мунтазам уюштирамоқда. Мисол учун шу йилнинг январь ойи ҳамда февраль ойининг биринчи ўн кунлигида 132 ҳолатда ноқонуний спиртли ичимликлар савдоси йўлга қўйилган нуқталар аниқланиб, фаолиятига барҳам берилди. Жойларда ичкиликбозликка қарши кенг кўламли тарғибот тадбирлари ўтказилаётир.

Хуллас, инсонга юксак тафаккур, мукамал тана ва соғлик ато этилган. Бу неъматларни қадрлаш ёки ичкилик билан заҳарлаб, тубанликка қулаш ўз ихтиёримизда. Фикримизча, бу тўғрида чуқур ўйлаб кўрилса зарар қилмайди.

Алижон АБДУСАТТОРОВ,
“Postda” мухбири.
Жиззах вилояти.